

ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРАМИЗ

ТАЪЗИЯ

إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ



10:22 / 29.09.2020 1124

«Ҳилол» нашриёт-матбааси ҳамда Ислом.уз портали жамоаси Тошкент шаҳар вакилликнинг бош мутахассиси, Олмазор тумани «Тўлқин Ақром ўғли» жоме масжидининг имом хатиби Саҳобиддин домла Сатимовнинг аммалари Солияхон онанинг вафотлари муносабати билан чуқур ва самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло охират сафарига кузатилаётган марҳуманинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, чеккан заҳматлари, тортган дардларини гуноҳларига каффорат қилиб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳуманинг барча яқинларига сабру салвон тилаймиз.

«Сабрлиларга хушхабар берингки, улар ўзларига мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз Унга қайтувчимиз», деганлардир».

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

***Islom.uz* портали**